



ARTICLE INFO

Received: 18th January 2023

Accepted: 29th January 2023

Online: 30th January 2023

KEY WORDS

Мудофаа, миллатлараро, округи, ситуатсион, тинчликпарварлик, суверенитети, муқобил, резерв, офитсерлар, сафарбарлик, уруш, ваколат, қурол-яроғлар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДА ЗАХИРАДАГИ ВА РЕЗЕРВДАГИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИ

¹Мамасабир Исматов

Ўзбекистон Миллий университети Ҳарбий тайёргарлик ўқув
маркази ўқитувчиси. Э-маил: саидикромхожа@маил.ру,

²Ерметов Авазбек Абдуллаевич

Т.ф.д, профессор,

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7583877>

ABSTRACT

Муаллиф мазкур мақолада Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучларининг Мудофаа соҳасида давлат органларининг ваколатлари, Мудофаа вазирлиги тизимида захирадаги ва резервдаги кадрлар тайёрлаш соҳасида миллий қонунчиликда белгиланган тартиблар, захирадаги ва резервдаги офицерларни ҳарбий хизматга чақиришни амалга ошириш тартиб қоидаларини асослаб берган.

Маълумки, 2017–2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсатни амалга ошириш соҳасидаги устувор йўналишлари бўйича ҳисобот даврида қуйидаги ишлар амалга оширилди:

– Мудофаа вазирлиги қўшинларининг жанговар ва кундалик фаолиятини бошқариш маркази, Марказий ҳарбий округи ситуатсион маркази, бошқа ҳарбий округ ва қўшилмаларнинг қўмондонлик пунктлари фаолияти йўлга қўйилди;
– мамлакат ҳудуди ҳимоясининг вазифаларини ҳал этишда куч тузилмалари бўлинмаларининг яқин ҳамкорлигини таъминлаш мақсадида жанговар тайёргарлик тадбирлари жадаллиги ўртача 1,5-2 бараварга ошди, ҳамкорликдаги куч тузилмалари билан 73 дан ортиқ биргаликдаги тактик, оператив миқёсдаги турли ўқувлар ва тадбирлар ўтказилди ва бошқа ишлар амалга оширилди¹.

Шу ўринда, Ўзбекистон Республикасининг “Мудофаа тўғрисида”ги Қонуннинг асосий мазмун ва моҳиятида эътиборимиз қаратиб ўтишимиз лозим. Мазкур қонуннинг асосий вазифаси мудофаани ташкил этишнинг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларини (бундан буён матнда Қуролли Кучлар деб юритилади) бошқаришнинг ҳуқуқий асосларини белгилайди, мамлакат мудофаасини таъминлашда давлат органларининг ваколатларини, шунингдек фуқароларнинг ўзини

¹ <https://strategy.uz/index.php?news=770&lang=uz/>



ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар иштирокини аниқлаб беришдан иборат эканлигини кўришимиз мумкин.

Жумладан мазкур қонунда модофаа соҳасидаги давлат органларининг ҳам ваколатлари кўрсатиб ўтилган. Хусусан, 8-моддада Ўзбекистон Республикаси Президентининг модофаа соҳасидаги ваколатлари белгилаб берилган, унга кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти — Қуролли Кучлар Олий бош қўмондони:

- ❖ Ўзбекистон Республикаси модофаа сиёсати ва ҳарбий қурилишининг асосий йўналишларини белгилайди;
- ❖ Давлат бошқарув органларининг модофаа соҳасидаги фаолиятига раҳбарлик қилади;
- ❖ Ўзбекистон Республикасининг модофаа қобилияти таъминланиши, унинг суверенитети, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлиги муҳофаза этилиши юзасидан зарур чора-тадбирлар кўради;
- ❖ Қуролли Кучларни қуриш, қўллаш ва ривожлантириш режаларини, шунингдек модофаани ташкил этиш юзасидан давлатнинг бошқа режа ва дастурларини тасдиқлайди;
- ❖ Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ва бошқа ҳарбий тузилмаларининг тинчлик ва уруш даврига мўлжалланган тузилиши, таркиби ва жойлашувини тасдиқлайди;
- ❖ ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш тўғрисида, шу жумладан халқаро тинчликпарварлик тадбирларида қатнашиш тўғрисида, шунингдек Қуролли Кучларни ўзларига бевосита тааллуқли бўлмаган вазифаларни бажаришга жалб этиш тўғрисида қарор қабул қилади ва Қуролли Кучларга буйруқ беради;

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида белгиланган тартибда:

- ❖ Ўзбекистон Республикасига ҳужум қилинганда ёки тажовуздан бир-бирини модофаа қилиш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурияти туғилганда уруш ҳолати, умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилади ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ёки унинг айрим жойларида фавқулодда ҳолат жорий этади;
- ❖ Қуролли Кучларнинг олий қўмондонларини тайинлайди ва вазифасидан озод қилади, олий ҳарбий унвонларни беради;
- ❖ ҳарбий ва муқобил хизматга чақирилиши лозим бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сонини, уларнинг ҳарбий ва муқобил хизматни ўташ тартибини, ҳарбий хизматга мажбурларни ва чақирилувчиларни ҳарбий ҳисобга олиш ишининг юритилиш тартибини, модофаа ва Қуролли Кучлар эҳтиёжлари учун қурол-яроғлар, ҳарбий техника, ҳарбий-техникавий ва ашёвий мол-мулклар, озиқ-овқат ҳамда бошқа моддий-техника воситаларининг нормалари ҳамда ҳажмини белгилайди ҳамда қонунда белгиланган ваколатларни амалга оширади.

Ўз навбатида, қонунда Вазирлар Маҳкамасининг, Модофаа вазирлигининг, Қуролли Кучлар Бош Штаби, ҳарбий окуруглар, вазирликлар, давлат қўмиталари, маҳаллий давлат ҳокимият органлари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг модофаа соҳасидаги ваколатлари белгилаб берилган. Қонунинг 10-моддасида Модофаа вазирлигининг ваколатлари кўрсатиб ўтилган бўлиб, унга кўра



Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ўз тасарруфидаги қўшинларга бошқарувни амалга оширади, мудофаа ва ҳарбий қурилиш соҳасидаги давлат сиёсати юритилишини, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги қўшинларининг замонавий қурол-яроғлар, ҳарбий техника ва моддий-техника воситалари билан жиҳозланишини, ҳарбий ҳамкорлик кенгайтирилишини, чақирувнинг ва Қуролли Кучлар кадрлари тайёрлашнинг ташкил этилишини таъминлайди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши кўрсатиб ўтилган.

Мудофаа вазирлиги тизимида захирадаги ва резервдаги кадрлар тайёрлаш соҳида бир нечта миллий қонун ҳужжатлари қабул қилинган. Масалан, “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги Қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йилда 12-сентябрдаги ПҚ-4447-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисида” Низом ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2017-йил 9-октябрдаги 809-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг ҳарбий тайёргарлик ўқув бўлинмалари тўғрисида” ги Низом асосий қонун ҳужжатлари бўлиб ҳисобланади.

Аввало, “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги Қонун хусусида сўз юритсак. Мазкур Қонуннинг 16-моддасида олий таълим муассасаларида резервдаги ва захирадаги офитсерларни тайёрлаш тартиби белгиланган. Унга кўра олий таълим муассасаларининг талабалари орасидан резервдаги ва захирадаги офитсерларни тайёрлаш мазкур муассасаларда ташкил этиладиган ҳарбий тайёргарлик ўқув бўлинмаларида (ҳарбий таълим факултетлари, ҳарбий тайёргарлик бўйича ўқув марказлари, ҳарбий кафедралар, цикллар ва курсларда) амалга оширилиши белгиланган.

Олий таълим муассасаларининг кундузги бўлимида ўқиётган эркак талабалари, шунингдек тиббий олий таълим муассасаларининг талабалари жинсидан қатъий назар ҳарбий тайёргарликдан ўтадилар ҳамда ҳарбий тайёргарликка йигирма етти ёшгача бўлган саломатлигига кўра ҳарбий хизматга яроқли талабалар жалб қилиниши кўрсатилган.

Талабаларни ҳарбий тайёргарликдан ўтишга қабул қилиш уларнинг шахсий аризаларига биноан ихтиёрий асосда амалга оширилади. Ҳарбий хизматни ўтаб келган талабалар ҳам резервдаги ва захирадаги офитсерлар таълими дастури бўйича ҳарбий тайёргарликдан ўтишлари мумкин.

Олий таълим муассасаларининг ўқув бўлинмаларида ҳарбий тайёргарликдан ўтган, таълим дастурини ўзлаштирган ва белгиланган давлат имтиҳонларини топширган талабалар уларга лейтенант унвони берилганидан кейин ҳақиқий ҳарбий хизматга чақириладилар ёки резерв ёхуд захирага ўтказиладилар.

Олий таълим муассасаларининг ўқув бўлинмаларида ҳарбий тайёргарлик таълимидан ўтмаган талабалар таълим муассасасини тамомлаганларидан кейин ушбу Қонунга мувофиқ муддатли ҳарбий хизматни ўташ учун чақириладилар.

Офитсерларни тайёрлаш дастурларини олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар билан биргаликда ишлаб чиқиш ва



тасдиқлаш вазифаси Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги зиммасига юклатилади.

Олий таълим муассасаларининг ҳарбий тайёргарлик бўйича ўқув бўлинмалари йўналиши, резервдаги ва захирадаги офитсерлар тайёрлашда асосланиладиган ихтисосликлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан белгиланади ва Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

Олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, агар бу таълим муассасалари базасида ҳарбий тайёргарлик бўйича ўқув бўлинмалари ташкил этилган бўлса, мазкур таълим муассасаларининг аниқ мақсадли молиялаштирилишини амалга оширади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг қўмағида зарур ўқув-моддий базасини яратади.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги талабаларнинг ҳарбий тайёргарлиги устидан назоратни, ҳарбий тайёргарлик бўйича ўқув бўлинмаларининг бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари лавозимларига офитсерларни олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар билан келишилган ҳолда танлаш ва тайинлашни амалга оширади. Ҳарбий тайёргарлик бўйича ўқув бўлинмаларининг ўқитувчилигига ва бошқа лавозимларга ҳарбий хизматчиларни тайинлаш олий таълим муассасаларининг ректорлари билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Ҳарбий тайёргарлик бўйича ўқув бўлинмаларининг ҳарбий лавозимларига тайинланган ҳарбий хизматчилар ҳарбий хизматдаги ҳарбий хизматчилар учун белгиланган кафолатлар ва имтиёзлардан фойдаланадилар².

Демак, ушбу нормадан маълумки, захирадаги резервдаги кадрларни тайёрлаш олий таълим муассасаларда ташкил этиладиган ҳарбий тайёргарлик ўқув бўлинмаларида (ҳарбий таълим факултетлари, ҳарбий тайёргарлик бўйича ўқув марказлари, ҳарбий кафедралар, цикллар ва курсларда) амалга оширилади. Бунда талабалар ўз аризалари асосида белгиланган тартибда жалб қилинади. Уларнинг ихтисосликлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан белгиланади ва Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

Ўз навбатида, ўқув бўлинмаларида ҳарбий тайёргарлик таълимидан ўтмаган талабалар таълим муассасасини тамомлаганларидан кейин ушбу Қонунга мувофиқ муддатли ҳарбий хизматни ўташ учун чақирилиши бевосита кўрсатиб ўтилганлигини кўришимиз мумкин.

Захирадаги офитсерларни ҳарбий хизматга чақариш юқоридаги келтирилган қонуннинг 23-моддаси асосида амалга оширилади. Ушбу нормада қирқ ёшгача бўлган, муддатли ҳарбий хизматни, сафарбарлик чақируви резервидаги хизматни ёки контракт бўйича ҳарбий хизматни ўтамаган ва ушбу Қонуннинг 21-моддасига мувофиқ чақирилиш муддатини кечиктириш асосларига эга бўлмаган офитсерлар тинчлик даврида Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг буйруғига биноан офитсерлар таркиби лавозимларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ учун чақирилишлари мумкинлиги кўрсатилган.

² <https://lex.uz/ru/docs/-78717>



Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузурида захирадаги ва резервдаги кадрлар тайёрлаш тизими мудофаа соҳасидаги давлат органлари томонидан “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги Қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йилда 12-сентябрдаги ПҚ-4447-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисида” Низом ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2017-йил 9-октябрдаги 809-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг ҳарбий тайёргарлик ўқув бўлинмалари тўғрисида” ги Низом асосида олиб борилади.

References:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги 2002-йил 12-декабрдаги 436-ИИ-сон Қонуни;
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йилда 12-сентябрдаги ПҚ-4447-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисида” Низом;
3. Вазирлар Маҳкамасининг 2017-йил 9-октябрдаги 809-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг ҳарбий тайёргарлик ўқув бўлинмалари тўғрисида” ги Низом.
4. [хттпс://lex.уз/](https://lex.uz/)
5. [хттпс://стратегй.уз/индекс.пхп?newс=770&ланг=уз/](https://стратегй.уз/индекс.пхп?newс=770&ланг=уз/)